

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 21 октябрь, Сешанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 206 (11.267)

Баҳоси эркин нархда

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунни**
Янгиликлар, воқеалар

Кеча
сатрларда

● **КЕЧА** Тошкент Тиббиёт академиясида суржалли бош мия айланмишига ташхис қўйиш ва жаррохлик йўли билан даволашнинг замонавий усуллари бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда маҳаллий шифокорлардан ташқари Хамдустлик мамлакатларидан келган невропатологлар, кардиологлар иштирок этишди.

● **КЕЧА** Тошкент банк коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган семинар «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти» деб номланди.

● **КЕЧА** «Пойтахт» меҳмонхонасида рус тили ва адабиёти ҳамда математика фанлари бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида уюштирилган кўрик-танлов ғолиблари халқаро олимпиадада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўтказилган илмий-амалий анжуман ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 19 йиллигига бағишланди.

● **ЯККАСАРОЙ** туманида лобар, иқтидорли кизлар ўртасида «Зулфияхоним кизлари» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Тошкент Педиятрия-тиббиёт институти қошидаги академик лицейда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишлаб ўқувчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият» деб номланди.

● **ХАМЗА** туманидаги «Машинасозлар» маҳалласида уюштирилган давра сўхбати кузги-қишқи масвумга тайёргарлик масаласига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Қўшма корхоналарда Бунёдкорликда Қўл келмоқда

**ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР БИЛАН
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ҚЎШМА
КОРХОНАЛАРДА МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА
ИШ СУРЪАТИНИНГ ОРТИШИДА
ШУБҲАСИЗ ЮРТИМИЗДА ХОРИЖИЙ
ИНВЕТОРЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ
ШАРТ-ШАРОИТЛАР, ЕТАРЛИ ИМКОНИЯТ,
УЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА
ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСINI ТАЪМИНЛАШ
КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.**

Шу боис ҳам қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон андозалари даражасига жавоб бериб, мазкур товарлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорлар бўлиб бормоқда. Албатта, экспорт салоҳиятининг ортиб бориши мамлакатимиз иқтисодий ривожига ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Пойтахтимизда 5 йилдан буён фаолият кўрсатиб, рақобатбардор маҳсулотлари билан танилган ва бунёдкорлик қўли ортисига муносиб ҳисса қўшаётган «DESK-INVEST» Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонасида малакали мутахассислар меҳнат қилишади. Корхона цехлари эса юксак унумли хорижий технологик линиялар билан жиҳозланган. Айниқса, Финляндиянинг жаҳонга машҳур «SINTECH» фирмасида тайёрланган технологик жиҳозлар тадбиркорларга қўл келмоқда. Бунда ишлаб чиқариш компьютер орқали бошқарилиб, биринчи линияда металл черепацалари, иккинчисида эса профилланган томёпчиқлар тайёрлана-


ди. Шуниси эътиборлики, ишлаб чиқарилаётган мазкур қурилиш ашёлари чидами ва мустадаланиш муҳим аҳамият касб этади. Корхонада ана шуларга амал қилган ҳолда Россиянинг юқори сифатга эга бўлган ранг-сулоотлар ўрнатишга қўлай, иқлим шароитига мос, иссиқ ва совуққа бирдай чидамлидир. Юксак унумли бундай технологик линияни келтириб ўрнатишда «Асақабан»нинг молиявий яратди. Мазкур хом ашё Россиядаги Магнитогорск ва Новоліпецк металлургия комбинатларидан олинади ҳамда улар билан узвий ҳамкорлик ишлаб

Таъкидлаш кераки, сифатли маҳсулот тайёрлашда мала-



кадрилар маҳорати, замонавий техника шарофати ва албатта, сифатли хом ашёдан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Корхонада ана шуларга амал қилган ҳолда Россиянинг юқори сифатга эга бўлган ранг-сулоотлар ўрнатишга қўлай ва кўрам маҳсулотлар бинолар чиройини янада очиб, ажиб бир гўзаллик бахш этмоқда. Ривожланишни кўзлаган ҳар бир жамоа, албатта тадбиркорлик йўлини тутди. Бозорни, харидор талабини ўрганишдан чарчамайди. Қўшма корхона тадбиркорлари ҳам айна пайтда янги маҳсулот турларини яратиш устида изланишмоқда, товарларнинг хориж бозорига ҳам харидорларини таъминлашга интилишмоқда. Унинг самараси эса келгусида ютуқларга омил бўлиши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁSOVA
СУРАТЛАРДА: цехларда тайёрланаётган сифатли маҳсулотларда техника шарофати ва ишчилар маҳорати мўжассам. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар



**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Жиззах шаҳрида Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинган кунга бағишлаб «Давлат тили — миллат тили» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

● Ўзбекистон Фанлар академиясининг Сейсмология институтида зилзила хавфини баҳолаш ва унинг талофатларини камайтиришга оид долзарб вазифаларга бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Наманган шаҳар санъат коллежида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган семинар-учрашув ўтказилди. Унда ўқувчи-талабалар, маҳалла маслаҳатчилари, ўқитувчи-тарбиячилар ва ҳуқуқни муҳофаза этишчи идоралар ходимлари қатнашди. Савол-жавоб, ўзаро фикр алмашув тарзида ўтган тадбирда ёшлар орасидан энг яхши ҳуқуқ билимдонлари аниқланди.

● «Ёшлар йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлашга оид тадбирлар доирасида Навоий вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Хатирчи туманидаги марказий стадионда беш нафар кам таъминланган оила фарзандлари — янги келин-куёвларнинг никоҳ маросимлари ўтказилди. Унда туман ФХДБ бўлими томонидан ёш келин-куёвларга никоҳ гувоҳномалари ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

● Кува туманидаги «Янги ҳаёт» қишлоқ фуқаролар йиғинида «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ҳамда «Ёшлар йили» Давлат дастурининг ижросига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● Қарши шаҳрида 1992-1994 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Қарши Олимпия заҳиралари коллежида уюштирилган мусобақада Республикамининг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 500 га яқин ўғил-қизлар иштирок этишиб, саккизтадан вазн тоифасида ғолибларни аниқлашди.

● Навоий шаҳридаги «Шамс Навоий» фирмаси ташаббуси билан янги корхонага асосини қўлади. Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишга туширилаётган ўшбу корхонада йилга 4 миллион квадрат метр гипс қартон ишлаб чиқарилади ва 100 та янги иш ўрни яратилади.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг барча ҳудудларида президентлик сайловлари бўйича олдиндан овоз бериш жараёни бошланди.

● Кеча Украина Президенти В.Юшченко келаси йилги бюджетни қўриб чиқиш ва глобал иқтисодий инқирозни муҳокама этиш мақсадида мамлакат Олий Радаси фаолиятини бир неча кун давом эттириш ҳамда парламент сайловларини 7 декабрдан 14 декабрга қўчириш тўғрисидаги фармонни имзолади.

● Республикачилар партиясидан Шимоллий Америка президентиликка номзод Жон Маккейн кеча бўлғуси сайловларда ўзининг мағлубиятга учраши мумкинлигини тан олди.

● Голландия ҳукумати жаҳондаги энг йirik 20 та кредит ташкилотлари таркибига кирувчи ING банкининг устав сармоясини 10 миллиард еврога оширишга қарор қилди.

● Ироқнинг Бағдод шаҳри шарқий қисмида автобусга ўрнатиб кетилган портловчи модданинг портлаши оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмди, етти киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Маълумотларга қараганда, полиция портлашни амалга оширганликда гумон қилинаётган кишилардан бирини ушлашга муваффақ бўлган.

● ОПЕК ташкилотига аъзо мамлакатлар бир кунда қазиб чиқариладиган нефть ҳажмини 1,5-2 миллион баррелга қисқартирмоқчилар. ОПЕК ташкилоти раҳбари Шакиб Халилнинг сўзларига қараганда бундай чора талаб ва тақлиф ўртасидаги меъёрга эришиш борасида жуда зарур.

● Кеча Владивостокда хитойлик ва росейлик талабалар ўртасида халқаро ёшлар фестивали ташкил этилди. Унда хитойлик ёшлар русча, росейлик талабалар эса хитой тилида шеър ва кўшиқлар, рақслар ижро этдилар. Келаси йили бундай дўстлик фестивалини Хитойда ўтказиш кўзда тутилмоқда.

● Кеча Голландиянинг Амстердам шаҳри яқинида ташқи қисми ҳам, ички томони ҳам инсон танаси шаклидаги гаройиб музей ўз эшикларини очди. Жаҳонда ўхшаши йўқ мазкур музейнинг очилиш маросимида мамлакат кироличеси Беатрикс иштирок этди.

● Франс-пресс ахборот агентлигининг хабар беришича, Сомали қароқчилари Адан кўрфазиде Филиппиннинг юк ташувчи кемасини қўлга олишган. Яқин Шарқдан Осига юк олиб кетаётган мазкур кема қароқчилар ҳужумига учраган. Филиппин ташқи ишлар вазирлиги вакили Эстебан Конихос мамлакат маъмурларининг аввалги ҳолларда бўлганидек, бу гал қароқчиларга ҳеч қандай ён бермаслигини билдирган. Таъкидлаш жоизки, Халқаро денгизчилар бюросининг маълумотларига кўра, жорий йил бошидан буён Сомали соҳилларида 73 кема ҳужумга учраган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида СУҒУРТА ВА ҚОНУНЧИЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ БУГУНГИ АҲВОЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. АНЖУМАН ПАРЛАМЕНТ ҚУЙИ ПАЛАТАСИНИНГ МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАР ҚЎМИТАСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒУРТА НАЗОРАТИ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Мазкур қўмита раиси И.Насриев бошқарган тадбирда манфаатдор вазирликлар, идоралар, суғурта компаниялари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимида суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича яратилган мустақам қонунчилик тизими ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта

қилиш тўғрисида»ги, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши ҳамда «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқиши суғурта бозори ривожига хизмат қилади. Амалдаги қонунчилик мамлакатимизнинг ривожланиб бораётган суғурта бозорини тартибга солишни таъминлаш йўлида мунтазам тақомиллаштириб борилаётди.

Зеро, мамлакатимида изчиллик билан амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг тобора чуқурлашаётгани фуқаролар манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг замона мос шакллари, вужудга келаятган янги чарчаган ва суғурта муносабатларини тартибга солиш ҳуқуқий меъёrlарини тақомиллаштиришни тақозо этади. Анжуманда бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири

21 октябрь — «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинган кун МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ХУСУСАН, БУНДАН 19 ЙИЛ ОЛДИН «ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУННИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАНИНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН КАФОЛАТЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Жиззах шаҳрида ўтказилган «Давлат тили — миллат тили» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда шулар хусусида сўз борди. Тадбирда тилшунос олимлар, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, Маънавий тарғибот марказининг шаҳар ва туман бўлимлари раҳбарлари, омма-

вий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар ўзбек тили нормаларининг ҳаётга татбиқ этилиши, мустақиллик йилларида давлат тилининг ривожланиши, давлат ва жамоат ташкилотларида «Давлат тили ҳақида»ги қонун ижроси масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ КОДЕКСИНИНГ 192-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА КИРИТИШ ҲАҚИДАГИ ИШ КЎРИЛДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИДА

Боқувчининг вафот этганлиги муносабати билан зарарни тўлаш тартибини белгилловчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1009-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддаси нормаларининг бир хилда эмаслиги ишни кўриш учун асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1009-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ боқувчининг ўлими муносабати билан зарар: вояга етмаганларга — ўн саккиз ёшга тўлгунча қадар; ўн саккиз ёшдан ошган ўқувчиларга — ўқувнинг кундузги шаклида ўқини тугатгунча қадар, бироқ йигирма уч ёшдан ошмагунча тўланади.

Аммо, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 192-моддасининг бешинчи қисмида ўн олти ёшдаги ва ундан катта ўқувчилар ўқув юртларининг кундузги бўлимида ўқини тугатгунларига, лекин ўн саккиз ёшга қадар бўлган даврда, зарарни ундириш ҳуқуқига эгадирлар, деб белгиланган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига мувофиқ ўн саккиз ёшдан катта ва йигирма уч ёшга тўлмаган, ўқув юртининг кундузги бўлимида тахсил олаётган шахслар зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлмайдилар, ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1009-моддасининг нормаларига асосан улар бундай ҳуқуққа эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг боқувчининг ўлими муносабати билан зарарни тўлаш тартибини белгилловчи нормаларидаги мазкур фарқ ўшбу нормаларнинг амалиётда қўлланилишида жиддий қийинчиликларга олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ишни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 192-моддасининг нормаларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1009-моддасининг нормаларига мувофиқлаштириш лозим, деган ҳулоасага келди ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига ўқувнинг кундузги шаклида таълим олаётган шахсларнинг улар йигирма уч ёшга етгунча қадар боқувчининг ўлими муносабати билан зарарни ундириш ҳуқуқини белгилловчи ўзгартиш киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибда киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мажлисда давлат органлари вакиллари, олимлар, мутахассислар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуриндаги Илмий-маслаҳатлашув кенгаши аъзолари иштирок этди.

(ЎЗА)





ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ МАМЛАКАТ ҲАЁТИДА ТУТАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ. У ҚУДРАТЛИ САНОАТ, ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ ВА ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНГАН ИНФРАТУЗИЛМАГА ЭГА. ТОШКЕНТ ШАҲРИДА САМОЛЁТ, ТРАКТОРЛАР, ЭКСКАВАТОР, КАБЕЛЬ, КУЧ ТРАНСФОРМАТОРЛАРИ, МЕТАЛЛ ҚИРҚУВЧИ ДАСТГОҲЛАР, ЙИГИРУВ УСҚУНАЛАРИ СИНГАРИ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ, ШУНИНГДЕК, КЕНГ ТУРДАГИ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИХТИСОСЛАШГАН ЙИРИК САНОАТ ҚОРХОНАЛАРИ МАВЖУД.

Шаҳар ўзининг хизмат кўрсатиш ва юксак ривожланган коммуникация тармоғи билан ажралиб туради. Пойтахтда Марказий Осиёда ягона бўлган метрополитен тизими шаҳар аҳолисига ва меҳмонларга хизмат қилиб келмоқда. Тошкент метрополитени 29 бекатдан иборат. Мустақиллик йилларида Юнусобод йўналиши бўйича 6 та бекат фойдаланишга топширилди.

Тошкент нафақат юксак иқтисодий-ижтимоий салоҳияти, балки гўзал майдон ва хиёбонлари, маъмурий обидалари, дам олиш масканлари, замонавий спорт майдонлари билан ҳам кўпчиликнинг эътиборини қозонган. Бугунги кунда шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун 54 та маданият уйи, 13 та театр, 15 та кино-театр, 24 та музей, 11 та маданият ва истироҳат боғи, 115 та кутубхона, ҳайвонот боғи, 9 та концерт заллари, Давлат цирки фаолият қилмоқда.

ЮРТИМИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!



ЎН ОЛТИНЧИ АСРДА, ХУСУСАН, НАВРЎЗ АҲМАД (БАРОҚҲОН) ҲАМДА КЕЛДИМУҲАММАДХОНЛАР ҲУҚМРОНЛИГИ ЗАМОНИДА ҚАДИМИЙ ТОШКЕНТДА МАДАНИЙ, ИЛМИЙ, АДАБИЙ ҲАЁТ РАВНАҚ ТОПГАН: КЎПЛАБ ШОИРЛАР, ЧЕҲРАКУШОЛАР, МАШШОҚЛАРУ ҲОФИЗЛАР, ҲАТТО, ТАСАВВУФ ДОНИШМАНДЛАРИ ЕТИШИБ ЧИҚҚАН, ЎЗИГА ХОС АДАБИЙ МАҲФИЛ МАВЖУД БЎЛГАН. БУГИНА ЭМАС, БУ ЕРДАГИ ИЛК МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ МУҲИТНИ ЭШИТГАН ЁШЛАР ЎЗГА ЮРТЛАРДАН КЕЛИБ ИЖОДИЙ КАМОЛОТГА ЕТИШГАН. АНА ШУЛАРДАН БИРИ МАШҲУР ШОИР ВА ЁЗУВЧИ ЗАЙНИДДИН МАҲМУД ВОСИФИЙДИР.

У Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хусайн Бойқаро ҳамда Хусайн Воизи Кошифий каби машҳур санъаткорларнинг назари тушган, уларнинг тарбиясини олган. Кошифий 12 яшар боланинг нотиклик санъатидаги маҳоратига таҳсин айтган. Навоий бўлса Восифийнинг шеърини топишмоқ-муаммо ечишдаги зехни ва топқирлигига тан берган. Чунончи, Восифийнинг замондоши Амир Муҳаммад у ҳақда шундай нақл этади: «Восифий кўп ишларда даврининг дурдонаси ва замонасининг ягонаси эди: биринчидан, унинг биллаклари шу даражада бақувватки, Хуросонда ҳеч бир баҳодир уни енга олмаган, сарпанжасини бука олмаган; иккинчидан, унинг тез юриш ва югуриш маҳорати шу даражага етдики, 65 фарсанг (520 километр)дан иборат Машҳад — Хирот йўлини икки кунда босиб ўтган; учинчидан сувда сузишда ҳам унга тенг келадиган одам топилмасди. Кунлардан бир кун Хиротнинг Боғизагонда Фаридун Хусайн Мирзонинг буйруғи билан Восифийнинг икки қўли ва икки оёғини боғлаб, ховузга ташлаб юбордилар. У ана шу ҳолатда пешиндан оқшомгача ховузда сузиб юрди: тўртинчидан, у хушхон ҳофизликда ҳаммадан ўзарди; бешинчидан, у Мавлоно Хусайн Воизининг шогирди эди. Мавлоно ху-

шозовликда Восифийни ўздан устун қўярди: олтинчидан, у ҳар қандай кишининг овози ва ҳаракатига айнан тақлид қила оларди; еттинчидан, муаммо ечишда унга етадиган донишманд топилмасди, саккизинчидан, бир кунда «Қофия», «Шофия» номли машҳур китобларни битта хатога йўл қўймай, олиё даражадаги хусниҳатда кўчирарди. Тўққизинчидан, нихоятда чидамли эди. Айтишларича, ўн кеча-кундуз ҳеч нарса емай юрарвераркан. Учинчидан, бадиҳа тарзида шеър айтиш, машҳур шоирлар асарларига ўхшатмалар яратишга уста эди. Агар хоҳласа, бир кечада атоқли шоирнинг 50-60 байтилик қасидасига жавоб айта оларди».

Восифий 1485 йили хиротлик маърифат шайдоси Абдужалил оиласида дунёга келади. Бўлажак шоирнинг болалик йиллари Хирот гоҳ Шайбонийхон, гоҳ Эрон шоҳи Исмоил қўлига ўтиб турган бир вақтга тўғри келди. Шунга қарамай Восифий кунт билан билим олди. Хирот мадрасаларида ўқиди. 12-13 ёшида кўп фанларни пухта эгаллаб, шеърни яхши тушунадиган иқтидорли йигитча сифатида илм-адаб аҳли назарига тушди. Навоийнинг олқишини олди. У ҳуқуқшунослик, мантик, астрономия, математика, тилшунослик ва замонасининг бошқа барча билимларини пухта ўрган-

ди. 1510 йили шоҳ Исмоил Шайбонийхонни ўлдириб, Хирот шаҳрини ишғол этади. Восифий ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса ҳам кўп дўстларини қатл этилишидан халос этади. Хуросон ва Мовароуннаҳрда дарбадарликда юради. Сайрам, Бухоро, Уратепа, Хўжанд, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида бўлади. Наврўз Аҳмад ҳамда Келдимухаммадхонлар ҳуқмронлиги даврида Тошкентда бўлган Восифий муаллимлик қилади, шаҳар илм-адаб аҳлига раҳбарлик лавозимда ишлайди. Адиб тахминан 1552-1555 йиллар орасида шу ерда вафот этади. Баъзи сарчашмаларда адибнинг ҳоқи «Кўкча» даҳасидаги Шайх Зайниддин бобо қабристониде, деган тахминлар бор.

Восифийнинг ижодий мероси «Бадое-ул вақоеъ» хотира-саргузашт асари, бир қанча ўзбек ва тожик тилидаги шеърлардан иборат. «Бадое-ул вақоеъ» юзлаб ҳикоят, ривоят, латифа, хотира-лардан ташкил топган. Бу асар Хуросон илмий, маданий, адабий муҳити, халқ санъати, турли элгаларнинг келиб чиқиши, урф-ода-ти, қўғирчоқозилик, масҳарабозлик, театр томошасини билиш-

да, Жомий, Навоий, Беҳзод, Хусайн Бойқаро, Паҳлавон Муҳаммад, Жалолиддин Юсуф сингари ўнлаб маданият арбоблари фаолиятини ўрганишда ноёб манба ҳисобланади. Ёзувчининг Тошкент шаҳри маданий ҳаёти, унинг боғу роғлари ҳақидаги мулоҳазалари, хусусан, диққатга сазовордир. Унинг 150 мисрадан иборат «Тошкент ва унинг боғу роғлари васифида» деб номланган қасидасини ўқир эканмиз, биз кўнча шаҳримизнинг ўша даврдаги ҳолатини кўз олдимизга келтирамиз. Восифий Тошкентдаги мунозаралар, адабий анжуманлар ҳақида фикр юритар экан, аксарият пайтларда шохномахонлик қилинишини, Ибн Сино, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Жомий, Навоий, Котибий каби шоирларнинг ижоди ҳақида баҳс бўлиб туришини уқтиради. У Тошкентда яшаб ижод этган шоир Фарқатий, адабиётшунос, астроном Мавлоно Қатлий, шоир Мавлоно Қонибодомий, Саид Туркистоний, Мавлоно Нодирий, Мавлоно Матлабий, олим ва рассомлардан Мавлоно Самарқандий, Шўҳ Хусайн, Жалолиддин Юсуф ва бошқаларни ҳурмат билан тилга олади, асарларидан намуналар

келтириб, юксак баҳолайди. Бундан ташқари қасидада Тошкентнинг раvon сувлари, боғу роғлари, хайратомуз биноларию турлитуман мевалари завқ билан тасвирланади:

Сувларини кўрганда бу ҳаёт,
Тортиниб зулматга аширинди бот.
Бурак анҳорларининг сувлари раvon,
Жаннат боғларида салсалбилсумон.
Хусайний узумин қилгин тамошо,
Дурдона янглиғ кўп қимматбахор.
 Зайниддин Маҳмуд Восифий ёшиб қолдирган нодир ҳикоятлар, ажойиб воқеалар бизга қадимий маданиятимиз ҳақида қимматли маълумотлар бериш билан бирга, ҳамisha қалбимизга қувонч, чеҳрамизга табассум бахш этади, жасоратга, гўзалликка, инсонпарварликка меҳр қўйишга ундайди. Шунингдек, бу ҳикоятлар Хуросон ва Мовароуннаҳрда, жумладан, Тошкентда яшаган баъзи адиб ва давлат арбоблари ҳаётининг айрим жиҳатларини ўрганишга ҳам ёрдам беради.

Ҳамиджон ХОМИДИЙ

АЛЛОМАЛАР ВАСФИДА

Назм

ОНАЖОН ШАҲРИМ

*Бу эл дуо қилиб фарзандларини,
 Чақмоқдай чақнасин ҳар сўзинг дейди.
 Инсонга ҳамиша нонмас насиба,
 Гуруринг, оринг ҳам ризқ-рўзинг дейди.
 Азал кўнгиллаларга шароф-шон шаҳрим,
 Жонажон Тошкентим, онажон шаҳрим.*

*Масжид-мадрасалар қутлуғ меросдир,
 Дилларга қувватдир мусхафи Усмон.
 Ҳикмат бор: понидан еган бир чумчуқ,
 Маккадан ҳам қайтиб келгай безумон.
 Тинчлигу дўстлигу бугўйи-нон шаҳрим,
 Жонажон Тошкентим, онажон шаҳрим.*


*Мозий садо берар турли номлардан,
 Бинкатми, Чочми ё Мадинат уш Шош.
 Йўлни йўқотганга йўл бердинг дош,
 Қалбларни ёртинг бамисли куёш.
 Айланай, ўрғилай нурмакон шаҳрим,
 Жонажон Тошкентим, онажон шаҳрим.*

*Истиқлол зиёси қалбларга шифо,
 Фарзандлар юртини кўтармоқда шағн.
 Кўприклар, кўчалар, кўркам бинолар,
 Таъриф, тавсифлардан юксакроқ маскан,
 Дилларда орзулар осмон, шаҳрим,
 Жонажон Тошкентим, онажон шаҳрим.*

*Ҳожа Аҳрор, Қафқол-Шоший, Кўҳакий,
 Англасанг, пок руҳлар дилларга эшир.
 Сўзлама, дунёнинг гўзал жойларин,
 Тошкентим — бош кентим баридан пешдир,
 Бугун ичим тўла шеър-достон шаҳрим,
 Жонажон Тошкентим, онажон шаҳрим.*

*Темур ҳайкалига боқиб бир сайёҳ,
 Деди ҳайратини яширмай бир дам:
 Аждодларин севган юртнинг соҳибин,
 Буюк келажакка бошлар элиҳам.
 Жонажон Тошкентим, жонажон шаҳрим,
 Онажон Тошкентим, онажон шаҳрим.*

Ғайрат МАЖИД



Тадбирлар

МАКТАБДА ДАВРА СУҲБАТИ

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЮРАГИ ҲИСОБЛАНМИШ ПОЙТАХТИМИЗГА ҲАР ҚАНДАЙ ТАЪРИФ КАМЛИК ҚИЛАДИ. МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ БОИС ШАҲРИМИЗ КУНДАН-КУНГА ЯНГИЧА ҚИЁФА КАШФ ЭТИБ БОРМОҚДА. ОСМОНЎПАР БИНОЛАР, КЎРКАМ БОҒЛАР, РАВОН ВА ТЕКИС ЙЎЛЛАР, ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШГА ЭГА БЎЛГАН МЕҲМОҲОНАЛАР ДУНЁ НИГОҲИНИ ЎЗИГА ЖАЛБ ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА.

Айни кунларда шаҳримизнинг кўплаб масканларида Тошкентнинг 2200 йиллигини муносиб қутиб олиш мақсадида турли хил тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил қилинмоқдаки, уларнинг замирида жаннатмакон шаҳримизнинг бугунги кунини, келажакни порлоқ ёшларнинг нурли истиқболи ва ҳар соҳада кўлга киритаётган улкан ютуқлари, равнақи, тараққиёти ҳақида сўз боради.

Учтепа туманидаги 312-мактабда бўлиб ўтган «Тошкентим — Шошим менинг» мавзусидаги тадбир ҳам шаҳримизнинг 2200 йиллигига бағишланди.

Тадбирда иқтидорли шоирлар Мухтарам Улуғова, Марҳабо Каримова, яқин атрофдаги маҳаллаларнинг фаол аёллари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этдилар.

Ватаним ягонамансан,
қалбимда ҳамхонамансан,
Тошкентим — Шошим эса
жону жаҳонимдасан.
Порлайверсин куёшинг,
чарақласин осмонинг
Мадҳингни куйлайверсин
биз каби ўғил-қизинг...

каби ўқувчиларнинг тантанавор оҳангдаги шеърини мисралари билан бош-

ланган давра суҳбатининг том маънодаги аҳамияти жуда каттадир. — Шаҳримизнинг 2200 йиллигини муносиб қутиб олиш учун мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаролари ўзига хос тарзда ҳаракат қилмоқдалар, — дейди шоира Мухтарам Улуғова. — Истиқлол ўзи билан мамлакатимизга ўзгача тароват ва ифдор, озошлик ва ҳурлик шабадаларини ҳам олиб келди. Пойтахтимизнинг Ислон маданияти маркази деб тан олинини эса унинг нақадар буюклигидан далолат беради. Шунинг баробарида зиммамизга янада юксак масъулият қўлайди. Тошкент шаҳрининг чет мамлакатлар нигоҳидаги нуфузи ҳам кундан-кунга ошиб бормоқда ва ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланмоқда. Айниқса, ёшларимиз эришаётган ютуқлар, улар амалга ошираётган улкан изланувчанлик фаолиятлари ҳар қандай таҳсинга сазовордир. Бу диёрнинг ҳар бир кунини ўзгача бир мазмун ва таърифлашга арзигулик силсилалар ёлқини билан бойиб бормоқдаки унга ҳар қандай таъриф ҳам озлик қилади. Бизнинг олдимизда эса биргина вазифа бор. У ҳам бўлса шу юртга муносиб фарзанд бўлиш, уни кўз қорачиқдек асраш, анъана ва қадриятларимиз, урф-

одатларимизни ўзлгича асраб-авайлаш ва миллийлигимизни янада эъозлаш.

Шунингдек, давра суҳбатда сўз олган маҳалла фаоллари шаҳримизнинг ўтмиши, бугунги, тарихий обидалари, истиқлол шарофати билан бунёд этилган осмонўпар бинолари, ёшлар камолоти йўлида амалга оширилаётган самарали ва истиқболли ишлар, шаҳримиз ҳаётига оид ўтказилаётган тадбирларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Тадбир доирасида шоира Марҳабо Каримова ўзининг оила, ҳаёт, бахт, ёшлар ҳаётига оид шеърлари билан давра суҳбатининг янада мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлаб берди. Ўқувчилар томонидан ижро этилган куй ва кўшиқлар, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган сахна кўринишлари барчага бирдай манзур бўлди.

Йигилганлар ўзларини қизиқтирган саволларига тадбир иштирокчилари томонидан тўлақонли жавоб олдилар.

Давра суҳбати мазмунли ва мароқли, фикр ва мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

Гулнигор САТТОРОВА

ОЗ-ОЗ ЎНГАНИБ ДОМО БУЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ ПАҲЛАВОН МАҲМУД ХИКМАТЛАР

Шоҳлик тиласанг, гадоси бўл халқингнинг! Ўзини унут-у, фидоси бўл халқингнинг!

Эрта гамини чекма, азизим, бир дам, Ҳар лаҳза ганимат — уни ўтказ хуррам.

Оҳ чексанг агарда, йўлга тиккил кўзни, Чоҳ ёнидан ўтсанг, эҳтиёт қил ўзни.

Кўз ташла бу йўлга: раҳнамолар кетди, Фафлатга қўйиб сени ошнолар кетди.

Ҳар узви заминнинг дилидир дононинг, Лаб ё тиш эрур зарралари дунёнинг.

Шабнам каби ўтказма кулиб умрингни.

Моддий ҳамма ришталарни кестирганман, Бағримда қаноат гулин ўстирганман.

Ўзингдаги бу кибру адоватни йўқот, Нафсинг бутига сизинма, синдир уни, от.

Юз масжиду юз работни обод қилсанг, Юз кулни харид қилсангу озод қилсанг.

Ҳар бир куни умрингни ёруғ юлдузидир, Ҳар бир кеча қадру ҳар сахар Наврўзидир.

Ҳар бир дамидан ҳаётнинг олғил лаззат, Рўёби учун орузларнинг чек захмат.

Эй дил, бекор ўтирма, бир иш бошини тут, Умрингни совурма елга кўп, қадрига ет.

Бу боққа баҳор келгусию кетгусидир, Бу шоҳга анор келгусию кетгусидир.

Бу умр ўтар гоҳида шод, гоҳи қарахат, Бир қисмида ғам кўпдиру бир қисмида бахт.

Кондирса бўлар нафсингнинг ҳожатини, Бас, нега ўзингдан қуйига амр этмоқ,

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



Куни кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Давр садолари» фестивали доирасида катта концерт дастури бўлиб ўтди.

— Ушбу фестивалнинг бугунги кунда санъат соҳасидаги нуфузи анча юқоридир, — дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев.

ХУКМ ЎҚИЛДИ

БАРЧАСИ ЁН ҚЎШНИ АЛЕКСАНДР ТИМОФЕЕВНИНГ УЙИГА ИЖРАЧИ САҚЛАШИДАН БОШЛАНДИ. ҲАР КУНИ УНИНГ УЙИДАГИ ШОВҚИН-СУРОН, БАҚИРИК-ЧАҚИРИҚЛАР СОДИҚ БОЗОРОВНИНГ (МАҚОЛАДАГИ ИСМ-ШАРИФЛАР ЎЗГАРТИРИЛДИ) ОИЛАСИГА ТИНЧЛИК БЕРМАСДИ.

ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

У кўп қаватли уйда яшаш қоидаларига зид хатти-ҳаракатлар содир этилаётгани ҳақида А.Тимофеевни оғохлантириди ҳам. Бари кумга сиканган сув томчисидек бесамар кетди.

Нихоят пичоқ сужка бориб етди. Икки ўртадаги даҳанани айтишувлар бора-бора кескин тус олиб, ён қўшилларнинг ёқавайрон жанжали билан аяқ топди.

Содиқ Бозоровнинг кўнглида палла ёза бошлаган кек ниҳили кунлар ўтгани сайин барқ уриб борар, ён қўшни билан бўлиб ўтган жанжалда орттирган жароҳатларини эслагани сайин ғазаб чўғидан ловуллаб ёнарди.

2008 йил 2 май куни соат тахминан соат 21.00 ларда Александр Тимофеевнинг уйида яна «жинлар базми» бошланди. Бу гал унинг суюли қизи Роксана туғилган кунини нишонлар, хорижнинг фақат шовқин-сурондан иборат куй-қўшиқлари жўрлигидаги таваллуд айёми бошқа қўшиллар қатори Содиқ Бозоровнинг ҳам таъбини хира қилиб бўлганди.

— Нима дейсан? — деди у рўпарасида турган қўшнисига белпанд оҳангда. — Бу нима деган гап?! — Содиқ Бозоров ғазаб оташидан ловиллай бошлаган бўлса-да, қўшиннинг баъдаэм иттифоқига парво қилмагандек бўлди.

— Э, бор, йўлингдан қолма, — деди А.Тимофеев гандирақлаб. — Хонадон меники, хоҳлаган ишимни қиламан...

Фестиваллар

ДАВР САДОЛАРИ

ИЛГАРИ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК ШАҲРИМИЗДА «ДАВР САДОЛАРИ» ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА. МАЗКУР ФЕСТИВАЛ 10 ДЕКАБРГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ.

ва жонқурлари, атоқли бастакорлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Мазкур фестивалда шахримиздаги мавжуд барча санъат масканлари ўзларининг дастурлари билан иштирок этмоқдалар.

Шунингдек, Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида «Хумо» балети, «Севги самоси» операси фестивал иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинади.

«Давр садолари» фестивалида Муқимий номидаги ўзбек давлат муносиқ театрининг «Синфдош ёҳуд кувеликка ном-

зод», «Тузок», «Тўда», «Тобугдан товуш», «Бу телба хонадон» каби муносиқали комедия ва муносиқали драма спектакллари ҳам намойиш қилинади.

Шунингдек, Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида «Хумо» балети, «Севги самоси» операси фестивал иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, истеъдодли бастакор Шохид Шойимардоновнинг 70 йиллиги бағишланган концерт дастури ҳам ушбу фестивал доирасида ўтказилади.

Яна фестивалда Ўзбекистон Давлат консерваторияси ректори, профессор Дилора Муродова, Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалилов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби



Анвар Эргашев, профессор Ҳабибулла Раҳимовларнинг мулоҳазали, мушоҳадали чиқишлари уюштирилади.

Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар залида бўлиб ўтадиган муносиқ, тасвирий санъат, шеърят ва ҳужжатли суратларга бағишланган тадбир ҳам айнан «Давр садолари» фестивали доирасида ташкил этилади.

— Бу фестивалнинг аҳамияти томони шундаки, — дейди профессор Ҳабибулла Раҳимов, — унинг доирасида наинки куй ва қўшиқлар, балки театрлар жамоаларининг энг сара спектакллари ҳам намойиш қилинади. Муносиқ коллежлари ва маҳсул муносиқ мактабларининг концерт дастурлари кўрсатилади. Халқ чолгулари, камер чолгулари, симфоник оркестрлар иж-

росидаги концерт дастурлари ҳам муҳлислар эътиборига ҳавола қилинади. Фестивал якунида эса биринчилар қаторидан ўрин олган голиб жамоалар тақдирланадилар. Сўзини яна ҳам мухтастар қилиб айтидиган бўлсам, муносиқ маданиятининг салоҳияти ва муносиқ санъатининг ривожига теранроқ ва ўткирроқ нигоҳ билан қаралади.

Дарҳақиқат, ушбу фестивалнинг ижодий қўлами жуда кенг қамровлидир. Унда муносиқ турларининг кўплаб қирралари намойиш бўлади. Санъаткор, муносиқчи маҳоратли бастакор ва қўшиқчиларнинг ижодлари бир-бирига чамбарчас боғланган ҳолда муҳлислар эътиборига ҳавола этилади. Куй, қўшиқ, опера, балет, театр ҳамонглигида жаранглаган сеҳрли наволар, сирли оромбахш оҳанглар барчани эзгулик, гўзаллик, яхшилик ва нафосат сари чорлайди.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: «Давр садолари» фестивали доирасидаги концертдан лавҳалар

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси охири бориш тартибиде бўлиб ўтадиган

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

1. 2008 йил 25 ноябр куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти судининг 15.10.2007 йилдаги 2-152-07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор тумани 3-мавзё, МЧЖ «Шахтрас Хизмат» 80-сонли автомашиналари саклаш жойида сакланаётган, «Мерседес-Бенц Е-200» русумли, д/р 30P1110 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 54 000 000 сўм.

2. Шунингдек 2008 йил 11 ноябр куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда.

1. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 09.07.2007 йилдаги УСК-1-356-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси МХХ автомашиналари саклаш жойида сакланаётган, «ГАЗ-33021212» русумли, д/р Х345V2M бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 500 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 28.11.2007 йилдаги ЖКК-1-603/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси МХХ автомашиналари саклаш жойида сакланаётган, «ВАЗ-21104-125-51» русумли, д/р 30U5708 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 12 000 000 сўм. 3. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик асосан хатланган, Тошметроқурилиш трести 2-сон Тунел отрядига тегишли бўлган, Чилонзор тумани К.Шарифов кўчаси, 25-А-уйда сакланаётган: — «ГАЗ-2410» русумли, д/р 10AB636 бўлган, 1974 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 345 400 сўм. — «ГАЗ-2402» русумли, д/р 10AB638 бўлган, 1974 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 705 800 сўм. 4. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ФИБ Шайхонтоҳур туманларо судининг 23.06.2006 йилдаги 1-10493-2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани судида сакланаётган, «ГАЗ-21» русумли, д/р 30O0397 бўлган, 1967 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 369 000 сўм. 5. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 25.02.2008 йилдаги К-1-12/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, «Севзор» жарима майдонида сакланаётган, «Нексия» русумли, д/р 17U4242 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 20 104 000 сўм. 6. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 21.07.2008 йилдаги 10-0812/755-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Қорасарой кўчаси, 326-а-уйда жойлашган, «Зиё Замир» МЧЖнинг биносида сакланаётган, «Глас Меб сервис» МЧДга тегишли, «Mini Max CU 350 K» русумли, 2000 йилда и/ч, рақами КК 1/009990, V-380, КВ-3, Кр-630, РЕФ-041619, НЗ-50, НР-4, А-6-9 бўлган, «Егочни қайта ишлаш ускунаси». Бошланғич баҳоси — 30 570 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилдиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, х/р:2021000050505714521105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Уразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

«Toshkent metropoliteni» ДУК умумий майдони 9066 м², «Toshkent metropoliteni» 1050 рақа тенг 2 та ангарли омборхона ва офис биналари ижарага беради.

Манзил: Тошкент ш, Ҳамза тумани, Сувбўйи — Кўприкли кўчалари. Маълумот учун тел: 239-89-27

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г-906

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 3298 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрият этики бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона мазили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.